

ТОШКЕНТ

Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 207 (7. 296)

1990 йил 10 сентябрь, душанба

Баҳоси 3 тинни.

ТОНГИ РЎЗНОМАЛАРДА

○ Кеча Хельсинкида СССР Президентини М. С. Горбачев билан АҚШ Президентини Ж. Буш ўртасидаги учрашув бошланди. Бугун тонги рўзномаларда «Хельсинкидаги мулоқот» сарлавҳаси остида М. С. Горбачевнинг Хельсинкига келишига доир расмий хабарлар эълон қилинган.

○ Бугун Москвада СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишын бошлайди. «Правда» рўзномасидаги «Фаол ҳаракатлар даври» сарлавҳали мақолада кўп парламент комитетлари ва комитетларининг раислари сессиядан илмаларини кутайтганликларини ҳақида ўз мулоҳазаларини билан ўроқлашадилар.

○ Мавлакатимиз ҳаётга доир янгиликлар, чет элдан олинган телеграммалар берилган.

Обуна—91:

Сўз—

«Оқшом» муштарийларига

Тақсимотда гап кўп

«ТОШКЕНТ оқшомини» чиқа бошлаганига салкам чорак аср бўляпти. Ушандан бугун рўзномага обуна бўлиб келаман. Унда чоп этилган «Оқшом» рукунидаги мақолалар, ёшлар тарбиясига оид ва келин-кувўларнинг ота-оналар олдидаги бурчи, жинсовчиликка қарши кураш мавзусидаги материаллар муштарийларга айниқса маъқул бўлмоқда.

Ҳар йили оиламиз билан етти хил рўзнома (шундан икkitаси «Тошкент оқшомини»), олти хил ойнамаларга обуна бўлар эдик. Янги йилдан бошлаб рўзнома ва ойнамаларнинг обуна миқдори ошайтганини эшитган бўлсак ҳам барибир биз келгуси йили ҳам ўша юқоридаги ўзимиз ёқтирган нашрларга обуна бўлишни режалаштириб қўйдик. Яқинда оиламиз билан обуна пулларини ҳисоблаб чиқсак оиламиз бўлиб 120 сўмга борар экан. Уни ўғил ва келинлар ўртасида беравар тақсимладик. Ўзим эса пенсия пулидан 20 сўм берадиган бўдим. Менинг фикримча барча оилалар ҳам обуна пулини аълолар ўртасида шундай тақсимласа ҳеч кимга оғирлик қилмасди.

А. НАБИҲУЖАЕВ,

жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Рўзнома ёрдам берди

УЛУҒ Ватан уруши қатнашчиси. Ақмал Икромов районидидаги Чақмоний кўчасида яшайман. Уйимизга телефон тушириш ҳақида рўзномага мурожаат этган эдим. Орадан уч кун ўтиб «Оқшом» саҳифаларида менинг шикоят хатим эълон қилинди. Шундан кейин Чилонзор район телефонлаштириш тармоғининг бош муҳандиси Т. Ризавдан ёзма жавоб олдим. Унда менинг илтимосим яқин кунлар ичида қондирилиши баён этилганди.

Ҳафта ўтмай уйимизга телефон тушурувчилар келиши бошланди. Уша кун кенгача юмушларини тугатиб кетишди.

Мендек пенсионерга сидқидилдан ёрдам берган рўзнома муҳарририга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Қ. КАБИРОВ,

меҳнат кенаси.

Хат босилмаса ҳам

МАТБУОТ нашрларини ўз вақтида ололмаётганим ва бунга 179-алоқа бўлимидаги айрим ходимларнинг лоқайд муносабати ҳақида рўзномага мактуб йўллаган эдим. Кейин билсам ушбу хатим тежириб чора кўриш учун Октябрь район алоқа тармоғи идорасига юборилган экан. Текширувда 179-алоқа бўлими бошлиғи Д. Шамсоев менинг эътирозларимга қўшилганлиги ва мактубда келтирилган фактлар тула тасдиқланганлигини баён этди.

Менга етказиб берилмаган обуна нашрлари учун почта орқали 5 сўм тулов юборилди. Ҳозирда эса нашрларни ўз вақтида олаётиман.

Я. АҲМЕДОВ,

хизматчи.

Тўғри хулоса чиқаришсин

ЎЗБЕК тилига давлат мақоми берилган, кўпгина лойиҳалаш институтлари, таъшилот ва корхоналарда ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил қилинди. Бу қувончли ҳол албатта. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қоридида Атамалар комиссияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қосидаги атамалар комитетининг бу бордаги ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. Уларнинг «Оқшом» орқали ҳар бир чиқишини сабрсизлик билан кутамиз. Айниқса турғунлик йиллари иллати билан палла-партиш қўйилган кўчаларнинг номлари ўзбек алломалари номлари билан алмаштирилатганини бизни ҳушуд этмоқда. Лекин бу ҳайрли ишга эътиборсиз қарабталар ҳам йўқ эмас. Шундай таъшилот, корхона ва муассасаларни рўзнома саҳифаларида танқид қилинганлиги ўрнидир. Зора улар ўз шанларига билдирилган бу ташвишли сигналлардан тўғри хулоса чиқаришса.

М. ОЛЛАБЕРГАНОВ,

ишчи.

Нур устига нур

РЎЗНОМАДА босилаётган мақолаларини мунтазам ўқиб борамиз. Фойдали маслаҳатларини жон дилимиз билан қабул қиламиз. Яқин вақтларга саҳифаларда нон ҳақида туркум материаллар бериб бориларди. Кейинги вақтларда бу саволини биз рўзномада кўришми қолди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нон ҳақидаги, уни исроф қилмаслик, тежаб-терғаб, бу неъматни таъбирлашдаги қийинчиликлар, қўли гул новвойлар тўғрисидаги мақолаларнинг берилиши бизнингча муҳим эди. Илтимос, истақларимиз инобатга олинсаю, келаси йилдан бошлаб нон қадри-қиммати тўғрисида турли мавзулардаги мақолалар бериб борилса нур устига нур бўларди.

М. АЗИМОВА,

жадан 11 йилзо.

Менинг истақларим

КАСБИМ матбуот тарқатиш. 13 йилдирки, шу иш билан шуғулланаман. Базван «Оқшом» рўзномаси почта-магма келмай қолса хондонларга кириб боришга уялмаган. Чунки улар биринчи навбатда мендан «Тошкент оқшомини» сўрайдилар. Қолверса, ўзим ҳам шу газетанин ашадий муҳлисиман. Ундаги «Маънавий қадриятларимиз» рукуни остида берилаётган мақолалар айниқса мени қизиқтиради.

Истақларим рўзнома саҳифаларида ўтмиш тарихимиз, урф-одатларимиз ҳақидаги мақолалар кўпроқ чоп этилса. Ундаги қимматли фикр-мулоҳазалар каттаю-кичик учун беравар қадрийдир.

Н. ОЛИМОВА,

алоқа хизматчиси.

Обуна бўлиш эсингиздан чиқмадимми?



○ «Тошкент оқшомининг» бир йиллик обуна баҳоси 17 сўм 40 тинни. Ярим йил учун 8 сўм 70 тинни, уч ойга 4 сўм 35 тинни, бир ойга 1 сўм 45 тинни тўлашга «Оқшом» рўзномаси бугун 1991 йил мобайнида Сизнинг энг яқин сирдошингиз ва маслаҳатгўйингиз бўлиб қолади.

ДОРИЛФУНУНДА ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

Фаннинг Шарқдаги бешиги — Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллиги арафасида бу ерда талабалар байрами ўтказилди. Тантанана илм-фанни сабот билан эгаллашга интилиш, ўз истеъдоди ва қобилиятини Ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга иштиёқманлик — ҳар бир талабанин бурчи эканлиги таъкидланди.

Суратда: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов талабаларга қарата нутқ сўзлаётган пайт.

Р. НУРИДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).



Тошкент давлат дорилфунунининг биринчи курсига кирган талабаларини тантанали равишда табриклаш маросими бўлди. Бу маросимда олий ўқув юртининг муаллимлари, партия ва совет идораларининг, вазириликлар ва маҳкамаларининг вакиллари қатнашдилар. 2200 талабанин ҳар бирга тоширилган ёнма шундай сўзлар билан бошланди: «Қадри дўст! Энди сен Ўрта Осиёдаги энг кенес олий ўқув даргоҳларидан бири — В. И. Ленин номидидаги Тошкент давлат дорилфунунининг талабасисан. Сени табриқлаймиз!».

Талабаларнинг бу галги байрами шонли сана — дорилфунунининг 70 йиллигига бағишланди. В. И. Лениннинг Декретига мувофиқ барпо этилган ва Шарқдаги илм-фан масанни бўлиб қолган бу олиғвоқ дастлабки пайтларда Ўрта Осиёнинг барча жумҳуриятларида ва Қозғонистондан келган йигит-қизларини ўқишга қабул қилган эди. Ҳозир бу ерда 40 дан кўп миллатта мансуб 11 мингга яқин талаба, шунингдек дунёнинг 35 мамлакатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов янги талабаларга мурожаат этиб нутқ сўзлади. Малакали кадрлар ўчоғи бўлиши дорилфунун халқ хўнажанининг кўпгина тармоқлари учун ёш мутахассисларини тайёрлаш ва тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқда, деб таъкидлади у. Иқтисодий мустақиллик йўлига ўтиб олган жумҳуриятта ҳозир саводди ва ижодий фикрлайдиган кишилар ҳар қачонгидан ҳам зарур. Илм-фанни сабот билан эгаллашга интилиш, ўз истеъдоди ва қобилиятини Ватан бахт-саодати йўлида сарфлашга иштиёқманлик — ҳар бир талабанин бурчидир.

ТошДД ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов байрамнинг барча қатнашчиларини янги ўқув йили бошланганлиги билан табриқлади.

Дорилфунун майдонидаги байрам охирида катта концерт қўйилди, уни ТошДД талабаларининг ижодий жамоаси — хаваскор театри — «Саратон-89» халқаро конкурснинг лауреати «Маятнин» студияси, «Ўзбекистон қизлари» раёс жамоаси, «Хушрўй» ашула-чолғу ансамбли тайёрлаган эди.

Тошкент дорилфунун байрамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди. (ЎзТАГ).

КПСС XXVIII съезди: партияни янгилаш йўлидан

Муштарак мақсад

○ Ҳаётда ҳар кўннинг қувончли кунлари кўп бўлади. Лекин райкомга рўйхати келтирилган янгиликларнинг севинчи бир умр ёлда қолса керак. Ҳа, бу КПСС сафига қабул қилинганлариди ҳаяжонли лаҳзалар... Улар жаҳият учун энг оғир наладда шу йўлни танлашди. Қасблари ҳам бир хил эмас. Бирини комсомол етакчиси, бири ишчи, яна бири муҳандис...

КИРОВ район партия комитети номига келиб тушган аривазлар фақат шу мазмунда эди. Ўзбекистон ленинчи коммунистлар ёшлар иттифоқи Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетлари бу ёшлар истанини шу бугунги кунга келиб қондиришга аҳд қилди. Бошланғич партия таъшилотларида бўлсин ёки партия комитет бюросида уларга деярли бир хил савол такрорланди. Нима учун улар КПСС сафига ўтишмоқчи? Ҳатто партия нексалари ҳам нима учун улар бугунга келиб партияга ўтаётгани билан қизиқарди.

Алпвер АЗИМОВ, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси:

— 1985 йили партия жамятиимизни янгилашнинг ташаббускори бўлиб чиққанда ишонган эдим. Ўйлаб қарасам, янгилашган эканман. Фақат КПСС ёрдамидагина мамлакатимиз иқтисодий янгиликлардан халос бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам коммунист бўлишга қарор қилдим.

Қодир МАМАТОВ, Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Комитетининг ходими:

— Ҳозир вазиат ҳаммаимиздан сиёсий позицияда фаолият кўрсатишни тақозо этапти. Бундай фаолият КПСС сафидидагина мустаҳкам ўрин топишга ишончим комил. Бугунги кунда шу партиягина жамятиинг янгилашшига бошчилик қила олади. Партиядаги интизом таъшилот соймайди, деб сўрашингиз мумкин. Йўқ, бу нарсамени қўриқмайди. Партияда ана шундай қатъий интизомгина жамяти учун наф келтира оладиган куч бўла олади. КПСС XXVIII съезди қабул қилган дастурий баёнот билан танишиб, партияга бўлган ишончим ортди.

Зиёда ЮНУСОВА, тикувчилик фабрикаси ишчиси:

— Бу саводди мен ёнимдаги ҳамкасбларимдан ҳам кўп эшитдим. Режаларнинг ўзини бажариш етарли бўлса, бунинг устига оила, рўзгор таъшилот, партиянинг сенига нима кераги бор, дейишди. Барибир, шунга аҳд қилибманми, коммунист бўлишдек орузимга етишишим керак. Партия эмасми қайта қуришни бошлаб берган. Тўғри, ҳозирги партиядаги оғир шароитни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин яхши томонга қарчаллик тез ўзгариши ўз қўлимизда-ку. Ҳаракатимизга, фаолиятимизга қараб ишда силжиш бўлади-да.

Шавкат ИСРОИЛОВ, Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Комитети ходими:

— Мен партияга биз учун оғир бир шароитда ўз ҳамфикрларимга эга бўлиш учун ўтайлман. Шунингдек, ёшлар ҳуқуқларини сиёсий минбардан ҳал қилиш учун ҳаракат қиламан.

Рўзномани ЧУЛБЕВА, тикувчи:

— Партияга ўтиш истанини уйимдагиларга айтганимда, оддий ишчи ота-оналарим қувонч билан кутиб олишди. КПСС сафига ўтишнинг сабаби тақдирга ишонгандек, унга ишонман. Ўзим меҳнат қилаётган тикувчилик

корхонасида муаммолар шу қадар кўпки, партиясини ун амалга ошириш мумкин эмас...

КИРОВ район партия комитетига бошланғич партия таъшилотларидан сўнгги бир ойнинг ўзида партияга қабул қилинганлардан 11 та арива тушибди. Таъшилот бўлими мудир А. А. Галинанин таъкидлашча, бу юқори кўрсаткич. Ҳозир одамлар партия сафидан кетаётганларини кўпроқ эшитадиган бўлиб қолди. Ваҳоланки, қабул қилинувчилар сонини нисбатан кўпроқ экан. Албатта районда баъзи коммунистлар чарчаганини ёки хафта бўлгани билдириб партиядан кетаяпти ҳам. Ҳатто баъзилари партия сафида тузукроқ лавозимга чиқолмаганини очиндан-очиқ билдиришмоқда. Давринг оғир синовни кўриб-билиб турган ана бошқа бир одамлар (яхши, улар кўпчили) партияга ўтиш истағида арива беришга шойишмоқда. Кўпроқ ёшлар коммунист деган номини олиш илгариги вақтлардагига нисбатан қанчалик масъулиятли, юки оғирлигини тушуниб етмоқдалар. Ҳали айтганимиздек, партияга ўтишни хоҳловчилар кўп экан, бошланғич партия таъшилотларининг йиғилишларида кун таърибига кўпроқ шу масала киритилаяпти.

— Съездда худди кутганимиздек, коммунистларнинг жипслашишга эришдик, — дейди Александр Александровна қўшмича қилиб. — Ҳозир сафимиз ташаббускор, ҳаракатчан ёшлар ҳисобига тўлиб бораётганини таъкидлаш нақадар қувончли. Шу бонс яқинда бир гуруҳ йигит-қизларимизга Коммунист партия билетини топишдик. Булар албатта характери, касби, миллати, маълумоти турлича бўлган кишилардир. Лекин жамяти учун, партия тақдирини учун қўйиб-ёнишдик муштарак мақсад уларни ўзаро бирлаштиради.

Ф. ҲУСАНОВА.

Фазогирларнинг сабоқлари

○ ҲАҚУВЧИЛАРНИНГ ёш таъшилотлари даври жумҳуриятимизда ёш фазогирлар учун қайноқ сабоқ олиш давларида айланди. Ёшлар аэрокосмик мактаб томонидан уюштирилган махсус машғулотларда Днепрпетровск, Москва виллоятларидаги Жуковский шаҳарларидан ҳам иқтидорли болалар фаол қатнашдилар.

«Нихол» жумҳурият илмий марказининг «Коинот» бўлими, ёшлар техника ижодкорлиги мувофиқлаштириш кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бу сабоқлар давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди. Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди. Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди.

Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди. Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди.

Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди. Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди.

Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди. Коинот сирлари, аэрокосмик тадқиқотларга бағишланган давомида кўпгина қизиқарли илмий лекциялар тингланди.

С. ОДИЛОВА.

Ўзбекистон меҳмонлари

Африка жанубида жойлашган Ботуатсвана давлати корчадонлари гуруҳи Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Улар иттифоқдош жумҳуриятлар билан маданият, иқтисодий ҳамкорлик қилиш имкониятларини аниқлаш мақсадида мамлакатимизга келганлар. Жанубий Африкадаги

мамлакат корчалонларини 8 сентябрь кунини Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзаро манфаатдорлик асосида маданият-иқтисодий ва ўзга соҳалардаги ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди. (ЎзТАГ).

10 сентябрдан 16 сентябргача

Ҳафта мобайнида Ўзбекистон виллоятларида куруқ ва иллик ҳавонинг сақлангани кутулади. Кучли шамол эсиб туради. Ҳарорат кечалари 12-17, кундузлари 30-31 даража атрофида бўлади. Фақат, ҳафта ўрта-ларига бориб, жумҳуриятимизнинг шимолий худудларида ҳарорат бироз пасайиши мумкин. Сенашко номидидаги тиббий доволаш, табиий тиклаш институти мутахассисларининг фикрига қараганда ҳафта мобайнида ҳавонинг авзойи инсон саломатлигига кам таъсир қўрсади. Одамлар даярли ўзларини тетик ва барқарор сезедилар. Зарур бўлганда ҳам дори-дармонлардан фойдаланиш ёки нохушлик олдини олишга интилишдан кўра, об-ҳавога мослашиш, танани чиниқтиришга кўпроқ эътибор қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эрта тонг кезлари сайр этиш, очик ҳавода кўпроқ юриш мақсадга мувофиқдир. Фаол жисмоний ҳаракатлар эса киши руҳини кўраиб, гайратига-гайрат қўшади. (ЎзТАГ).

Об-ҳаво ва саломатлик

Ўқитувчиларга ғамхўрлик

Тошкентдаги 18-мактаб муаллимаси Алла Сергеевна Курашенкога ўқув йилининг бошланғич чинакам қувонч келтирди. Унга кооператив квартира олиш учун ордер топишди. Уй ҳақининг ярмини район ижроия комитети тўлайди. Тошкентдаги 241-мактаб тарбиячиси Юнус Турсун ҳам кутилмаганда ақойиб соғва олди. Унга навбатдан ташқари автомобиль сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Бу гал Ўзбекистон пойтахтининг Қўйибеш районидида даярли йигирма нафар муаллим янги уйларга кўчиб ўтди. Ўқитувчиларга шунингдек, машиналар, бошқа қам-еб моллар ажратилди. (ЎзТАГ).



ЎЗБЕКISTОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ II ПРОГРАММАСИ:
1990 йил 10 сентябрь, соат 19 дан 10 дақиқа ўтганда...



«Тошкент оқшомини» ижодкорлари билан учрашув


«ОҚШОМ» рўзномаларининг азиз ва қадрли муштарийлари! Шу кунларда 1991 йил учун рўзнома ва ойнамаларга обуна давом этаётганлигини хабардорсиз, Сиз таялаб олган нашрлар орасида «Оқшом» рўзномалари ҳам борлигига имонимиз комил. Биз оқшомчилар эса Сиз, азиз муштарийларимизнинг рўзномаларимизга кўрсатаётган бу садоқатининг амалии ишларини билан оқлагга албатта ҳаракат қиламиз. Ана шу мақсадда айни шу кунларда муҳарририят жамоаси рўзномани янада тезкор, қизиқарли, мазмунли қилиш режаларини тузмоқда. Бизнинг галадонимизда Сизларнинг «Оқшом»га йўллаган тақлиф ва истақларингиз, маслаҳатларингиз асосида келаси йили рўзнома юзини қўрайдиган бири-бирдан ранг-баранг янги мавзулар, янги рўзқунлар туридир.

Мастига берадиган саволларингиз, билдирадиган тақлиф ва мулоҳазаларингиз, истақларингиз бўлса нур устига алоқ нур: Ўзбекистон «Ойна» жаҳонининг Тошкент виллояти ва шаҳри учун кўрсатувлар Бош муҳарририяти тайёрлаётган ва шу йил 10 сентябрь кунини соат 19 дан 10 дақиқа ўтганда II программа орқали бошланадиган «Тошкент оқшомини» ижодкорлари билан учрашув» кўрсатуви чоғида бевосита мулоқот пайтида ҳамма саволларингизга батафсил жавоб олишингиз мумкин. Бунинг учун

41-00-01
41-01-62
41-92-76
41-92-86

Хўш, яна қандай тақлиф ва истақларингиз бор, рўзномаларини Сизга элтаётган алоқа ходимлари ниндан мамнунимиз? «Оқшом» саҳифалари орқали кимлар билан учрашув орузсиздасиз? Хўш, «Тошкент оқшомини» рўзнома

телефонларига кўнгиноқ қилсангиз кифоя. «Тошкент» студиясига йангиландиган «Тошкент оқшомини» рўзномасининг бир гуруҳ ижодкорлари Сиз, азиз муштарийлар билан, «Ойна» жаҳон» муҳлислари билан юзма-юз учрашганига ва дилдан маслаҳатлашиб олишга ҳозир нозир турадилар.



○ ХАР СОҲАДА ФАОЛЛАР. Тошкент подшивникларини таъмирлаш заводи асосбозлик ҳечининг янги ишчилари — чархловчи Александр Гопи ва пармаловчи Нейшат Хикматов. Улар топшириқларини 115-120 фойиз

бажариш билан бир қаторда жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашишяпти.

Х. Соляхов сурати.

«Рабочая трибуна» — 91

«Энг ёш» марказий рўноналардан бўлиш газетамиз нашр этила бошлаганига ҳали бир йил ҳам бўлмаган йўқ. Аммо мақтанчи эмас, унинг обрўйи ошса-ошайти, камаймайди. Эҳтимол, у бунга меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиши, омма овозига диққат-эътибор билан қўлоқ солиши, ўз саҳифаларини бутунлай ўқувчилар ишон-ихтиёрига бериши унинг асосий лавозимини қилиб қўйганлиги учун ҳам эришгандир.

«Рабочая трибуна» («Ишчилар минбари») саҳифаларида эълон қилинган бир қатор материаллар, чунончи, Шереметьево тайёрағида олини даражадаги раҳбар ходимларга хизмат кўрсатиш бўйича бунёд этилган махсус учувчилар отряди, Москва яқинидаги ва мамлакатимиз бошқа минтақаларидаги қорбоғлар, шахтёрларнинг иш ташлаш ҳаракати ҳақидаги, уларнинг ҳарикли ва сохта саркарлари тўғрисидаги долзарб мавзулардаги бошқа мақолалар кўнглимизни эсда. Бу материаллар босилиб чиқарча, ана шу мизмажлар беқор қилинди. Хизмат қилувчилар болаларга ва ногиронларга ажратилди. Нормасини ҳаракатлар раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракати га қўшёрлик билан баҳо берилди.

Энг асосий натижа эса муштарийлар хат-хабарлари оқинини қўйганига бўлди. Уйдаликки, улар бундан ҳам ортқ бўлди. Чунки, «Рабочая трибуна» мухбир жамоалари манфаатлари учун курашни сувайтириш ниятида эмас. Уртоқ М. С. Горбачёв рўнонаманинг биринчи сони чиқиши муносабати билан юборган таъриқомасида ишонч билдириб айтганидек, газетамиз саҳифаларида меҳнаткаш инсон овози баралла янграб туради.

Маълумки, обуна нархи қимматлашди. Газетамизнинг баҳоси ҳам ошди. 1991 йилда унинг бир йиллик обуна нархи 16 сўм 80 тейин бўлади. Қиммат, шундай эмасми? Лекин сизга севимли бўлиб қолган бу нашр бутун йил давомида хонадонингизга кириб келишини унутманг. Биз ҳозир ҳаммаёқ арзимангиз лаш-лушларга бекордан-бекорга қанчалар-қанча маблағ сарф қилганимизни, бу арзимангиз маблағ-ку!

Биз жамоатчи матбуот тарқатувчиларнинг маънавий умидворимиз. Қандай қамда 1000 нуска «Рабочая трибуна»га обуна қилдира, у редакциянинг 1000 сўм миқдордаги пул мукофоти олади. Кимки 500, 300 нускадан ёздирса, улар тегишли равишда 500 сўм ва 300 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланади.

«Рабочая трибуна»га қамда 50 кишининг бир йиллик обуна бўлишига жалб этган жамоатчи тарқатувчилар ва обуна тақшиқчиларини ақдали соғаларига қутайди. Улар ўзига ҳақ бўлиб, дўконлардан тополомайди. Шундай қилиб, рўнонаманинг қўнғили ёрдамчилари, ишга киришаверинг.

Обуна якунларига қараб, алоқа ходимлари: почтачилар, киносанчилар ва «Союзпечать» операторлари учун ҳам қимматбоқ совринлар таъсис этилган.

Биз эса ўз навбатида келаси йилда ўқувчиларни ўткир сюжетли мақолалар, сийси маъзулардаги энг долзарб янгиликлар, навбатдаги қизиқтарлихтиролар ва кашфиётлар тўғрисидаги чиқишлар билан хурсанд қилишга ваъда берамиз. Уларда Учар тарелкалардан тортиб «Қаҳрабона хоналари», боғбонлик сирларингача ҳикоят қилинади.

Бир сўз билан айтганда, 1991 йилда КПСС Марказий Комитетининг газетаси бўлиши «Рабочая трибуна»нинг янги дўстлари пайдо бўлишига умид қиламиз. Яна бир муҳим нарсани эслаб ўтмоқчимиз: «Союзпечать» дўкончаларида рўнонамани обуна нархига қараганда қимматроқ бўлади. Негаки, редакция сарф-харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олади. Айтмоқчимизки, шахсий жамғармаунизи тежашга шошилдинг.

«Рабочая трибуна»нинг индекси: 50109. Тошкентдаги муҳбирлик пунктнинг телефони: 33-76-81.

Р. ТЭЛЛЭ, «Рабочая трибуна»нинг ўзбекистон ва Туркманистон бўйича ўз мухбири.

«Ижодкор» ёрдам беради

ИТТИФОҚИМИЗДА бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга кенг таратилган кўп миллатли аҳолига эга бўлган жумҳуриятимизда ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг самарали йўллари изланмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юзга келатган масалаларни ҳал этишда Бутуниттифоқ илмий ва муҳандис жамаиятининг ўзбекистон жумҳурият идораси қошидаги «Ижодкор» илмий-техника марказининг хиссаси салмоқли бўлмоқда. Марказнинг 5 ходими бу борада анча ишларни амалга оширмоқда. Марказнинг ходимлари томонидан кундан-кунга кичик корхоналарни ташкил қилиш ва унинг фаолиятига қаратилган масалалар кўриб чиқилди ва Низом ишлаб чиқилди. Низомда кичик корхоналарни ташкил этиш ва унинг ишонч жамғармаси, кичик корхонанинг ҳўжалик фаолияти, моддий-техника таъ-

Хориждан хабарлар

Совет — Япония музокаралари

ТОКИО. Сулҳ шартномасини имзолаш, икки томонлама муносабатлар ҳамда СССР Президентини М. С. Горбачёвнинг Японияга расмий ташрифи амалда тайёрлаш қўриш чоралари — ана шу уч мавзу ташқи ишлар министрлари даражасида бу ерда бўлиб ўтган Совет — Япония музокаралари учинчи, якунловчи давраси давомида асосий мавзу бўлди.

Япония ташқи сийсат мақамасининг бошлиғи Таро Накаяма худудий муаммоларни ҳал қилиш шартини икки томонлама сулҳ шартномасини тузиш зарурлигини таъкидлади. У совет раҳбарининг Япон оролларида қилинган ташрифи вақтида узи-кеси қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун сулҳ шартномасини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш муҳимлигини таъкид-

лади. Министр ҳозирги шартини имзолаш бўлган соҳаларда Совет Иттифоқи билан ҳамкорлиқни фаол ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

СССР ташқи ишлар министрлигининг раҳбари Э. А. Шеварднадзе ўз томонидан шу асрига охиригача қолган ўн йилни янги Совет — Япон муносабатларини қўришга бағишлашни таъкид қилди. Худудий масалаларни «Байналмиллашлатиришга» уринишларга ва бу масалани ҳал қилиш чоғида ҳар қандай воситачиликка қарши чиқди.

Совет ташқи ишлар министри ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида амалга оширилган конверсия энг замонавий корхоналарга дахл этилганлигини, бу жараён Япония томони учун қизиқ тўғририш мумкин бўлган илмий-технавий

ҳамкорлиқнинг янги соҳаларини очиб беришини айтиб ўтди.

Э. А. Шеварднадзе М. С. Горбачёвнинг Японияга расмий сафарини ташкил этишга доир амалий ишларни муҳокама қилиш учун Таро Накаямаи шу йилнинг охирида Совет Иттифоқи ташрифи буюришга таълиф қилди.

Икки кўнлик музокараларнинг якунлари юзасидан томонлар СССР Президентининг Японияга ташрифини таъкидлаш масалаларини доир меморандуми, Чернобыль Атом Электр Станциясидаги авария оқибатларини бартараф этишда СССР билан Япония ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандуми, Форс кўрғазми минтақасидаги ваъзят муносабати билан баёноти, бир қанча бошқа ҳужжатларни имзоладилар.

Президентнинг расмий либоси

УЛАН-БАТОР. «Узн» рўномаси муштарийларининг илтимосига мувофиқ яқинда Улан-Баторда сайланган Монголия биринчи Президентининг расмий либоси ҳақида мақола босиб чиқарди. П. Очирбат тантанали қасамёд қилиш маросимига одатдан ташқари либосда чиқди. Энди ушбу либос расмий маросимларда мажбурий кийилдигани либосга айланади. Уни яратишда расмолар, чеварлар, зардўз усталар, заргарлар ишладилар. Бу моҳир кўлар мамлакат миллий аъёнларининг хисобга олиб, Президент либоси мажмуини яратдилар.

Монголия Президентини маросимларда киядиган расмий либоси тоғли қалпоқ, энгис елкага ташлангандаги ёпичикли дэли, камардан иборат бўлиб, у Монголия Халқ Жумҳуриятининг мулки хисобланади. Президент тоғи саккиз қарғил ўткир қуббали бўлиб, сувсар мўйинасидан тикилган. Унинг юқори қисми қимматбаҳо тошлар ва зар билан безатилган.

Дэли — миллий кийим бўлиб, ўнг енбашдан тутмаси қалбақдан қанг этакли қалпақдир, у очик рангли нафис матодан тикилган. Ана шу рангли монгол халқи поккиза қалбининг рамзини билдира-

ди. Қайтарма энги ва этакларини денгиз тўқинларини акс эттирувчи нақшлар билан безатилган.

Елкадан кўркөккача тушиб турадиган ёпичикча зар кашта тикилган. Марказида Монгол давлатининг белгиси — Сомбо шакли акс этган. Унинг теваригида Будда афсоналирига биноан олам маркази бўлиши Сумбэр тоғи, нулуфур ҳамда хотиржамлик ва фаровонлик рамзлари тасвирланган.

Монгол империяси даврларидан берилбётган тантанали маросимларда кийиладиган либоснинг энг муҳим қисми бўлган. Президентнинг белбоғига аънабга кўра, турли белгилар, нақшлар туширилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Унинг қадамма безаклари — қаттиққўлилик ва ҳоқорлик белгиси қўшалоқ очир тарихидада баъжарилган.

Гутул — учи қайрилган миллий чарм этиклар ҳам Монголия аъёнлари давом эттирилганлигини билдиради, чунки бу этикларни тикши амалий санъатнинг мураккаб тури хисобланади. Этик ранг-баранг ранги парчалари билан безатилган. Яқин орада Президент либоси тўғрисида махсус ҳужжат қабул қилинади.

Ҳамкорликка қизиқиш

СЕУЛ. Жанубий Корея СССР билан илмий-технавий ҳамкорлик қилишда «жуда маънавлир. Бундай ҳамкорликни ривожлантириш Жанубий Корея иқтисодиётини янада ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин. Ренхап агентлигининг бугун хабар қилишича, фан ва техника соҳаси муносабатларининг, шунингдек Совет Иттифоқи билан амалий алоқалар ўрнатилган 65 та компания вакилларининг Сеулда бўлиб ўтган учрашувида кўпчилик шундай фикр билдирган.

Учрашувада саноат технолוגияси соҳасида мумкин қадар тезроқ битим тузиш ва шундай ҳамжиҳатликка дахлдор барча амалий масалалар билан шуғулланадиган Совет-

Жанубий Корея технология маркази таъсис этиш ҳақида ҳам тақлиф киритилди.

Жанубий Кореянинг йирик «Голдстар» электрон концернининг Президентини бошчилигида Жанубий корейлик электроника ва алоқа соҳаси муносабатлари тўғрисидаги яқинлашувчи учрашувида СССРга сафарни фан ва техника соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида муҳим қадамлардан биридир, деб таъкидлади журналистлар билан Сеулда бўлиб ўтган учрашувада Жанубий Корея савдо ва саноат министрлигининг вакили. Бир қанча ҳукумат корхоналарининг ходимлари ҳам кирадиган делегация Совет Иттифоқида 10 кун бўлади.

Кашпировский Чехословакияда

ПРАГА. Машҳур совет шиоқори Анатолий Кашпировский АҚШ, Канада, Испания ва Польшада бўлганидан кейин Шаркий Словакиянинг Кошица шаҳридаги спорт залида ўзининг дастлабки даволаш машғулотларидан иккитасини ўтказди.

Журналистлар билан бўлган учрашува, у ўзанда сеҳргарлик қобилияти йўқлигини, лекин 28 йилдан бери давом эттиратган шиоқорлик фаолиятида инсонини учун энг яхши дори эканини тўшунганини таъкидлади. Касалликларга қарши

курашини керак эмас, беморларни даволаш зарур. Деб ўқитди у. Яқин кунлар ичида яна тўртта даволаш машғулотли, шу жумладан Кошицадаги 8460 ўринли амфитеатрда машғулот ўтказилади. (ТАСС).



○ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ. Тошкент билан биродарлашган Сиятл шаҳри манзараси. С. Маҳмамов сурати.

БУНДАИ учрашувини сайловчилар кўпдан бери куттишганди. Шунинг учун ҳам у кескин тус олади. Ингиланларнинг савоалларига жавоб бериш учун даврага келган Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Нусратов, шаҳар Советининг депутати Ш. Жананов, Куйбишев район Советининг раиси З. Нурхўжаевларга осон бўлмади. — Биз сизларни шунчакни сайлаб қўганимиз йўқ, — деди меҳнат ветерани Ш. Мансуров сўз олиб, — Оғиримизни энгил қи-

конинг бу саволига депутатлар: «Комплекс қурилиши нелгуси йил режасига киритилди. Лойихаси эса шаҳар архитектура шаҳарсозлиги Бош бошқармаси томонидан тайёрлаб қўйилди. Шунингдек даҳада бозорча қурилиши юзасидан ҳам район ижроия комитетидан рұхсат олинди. Ҳозир бозорча учун ажратилган майдон текислиниб асфальтланмоқда», дея жавоб беришди. — Магазин қурилиши ҳақида билмоқчи эдик.

Лекин улар тарбияси хусусида эса керагича бош қотирмаймиз, — дейди 275-мактаб илмий бўлим мудир Мирзаев. — Районимизда стадионлар йўқ. Спорт иншоотлари етарли эмас. Ёшларнинг қандай дам олаётганликлари билан мунтазам қизиқмаймиз. — Уй-жой бошқармаси ихтиёрида спорт тарбиясига деган шарт бор, — дейди унинг сўзини бўлиб сайловчилардан бири. — Бу лавозимда биров ишлаётганими-йўқми буниси бизга қоронғу. Лекин шу вақтгача уй-жой бошқармасидаги спорт тарбияси қизиқувчи ёшлар масаласида бирон иш олиб бораётганликларини ҳис қилганимиз йўқ.

Ингилан аҳли ёшлар ўртасида таълим-тарбияни кучайтиришга қаратилган ва уларнинг бўш вақтларини қўнғилили ўтказишлари юзасидан тегишли тадбирларни белгилдилар.

Учрашувада шунингдек бир қатор муаммолар тилга олинди. Чунончи, бир неча ойдан бери қўзилиб келатган саноат ва озиқ-овқат дўконларини қуриб битириш, сўғориш шохобчаларини етарли сув билан таъминлаш, кўча чироқларини таъмирлаш, янги болалар боччаси зарурлиги, ҳозирги 1-маршрут тақсис ўрнига даҳада кичик ҳамжили автобус қатновини йўлга қўйиш, «Салом» қаҳвахонаси рўпарасида жойлашган болалар шифохонаси олдига янги бекат ташкил этиш, хонадонларни телефонлаштириш, ёшлар учун спорт иншоотларининг етишмаслиги, Қорасув наланиннг ҳозирги аҳоли ва унинг атрофидаги ахлатларнинг ҳамон олиб кетилмаётганлиги, даҳада миллионга назоратчисининг йўқлиги ва бошқа аҳолини қийнаб келатган муаммолар қайд этилди.

Ингиланда бевосита иштирок этган Куйбишев район Совети ижроия комитетининг раиси А. Аҳмаджонов ва унинг ўринбосарлари В. К. Зарикитский, Р. Мусабоевлар юқорида тилга олинган масалаларни таҳлил этиб, уларнинг бажарилиш муддатлари ҳақида ахборот бердилар.

Ингилан охирида Куйбишев район партия комитетининг биринчи котиби, район Советининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ш. Нусратов сўз олиб бу учрашувар ҳар томонлама фойдали эканлигини таъкидлади ва район худудига бундан кейин сайловчилар билан депутатларнинг мана шундай мулоқотларини тез-тез ўтказиб туришга ваъда берди.

М. КОМИЛЖОНОВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.

Сайловчилар билан мулоқот

ЮЗМА-ЮЗ

ласизлар деган умидда сизларни депутат этиб сайлаганимиз. Сайловдан кейин 6 ойдан ортқ вақт ўтди. Хўш, шу даврага нима иш қилиб бердинглар бизга? Депутатлар бирин-кетин ахборот беришди. Бажарилган талаб ва истақларини санаб ўтишди. — Булар ҳаммаси майда-чуйда ишлар. Бизга махтаб керак, боғча керак. Қачонгача икки-чиркирлар билан ўралашиб, йирик нарсаларни четлаб ўтасизлар, — дейишди сайловчилар. — Мақтагимизда сув йўқ. Сув қувурлари қурилишлар натижасида бузиб ташланган. Бу ҳақда бир неча бор мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Хўрматли депутатларимиз ҳам арзимизни тингладилар. Бироқ ҳозиргача улар ваъда билан чегараланиб қолдишмоқда. Мана янги ўқув йили ҳам бошландики, амалий ишдан дарак йўқ. Яна қанча куттишимиз мумкин?

Куйбишев районидagi 275-мактаб директори Н. Гуджигитовнинг саволига депутат З. Нурхўжаев шундай жавоб берди: — Истагингизни район ижроия комитети ва «Водоканал» раҳбарларига етказамиз. Улар уч-тўрт кун ичида бу масалани ҳал этиб беришини айтишган. Кезадан бошлб эса махсус бригада ўша ерда пайвандлаш ишларини олиб борапти. — Утган учрашувада даҳамизда маийши хизмат кўрсатиш комплекси йўқлиги ҳақида тапирган эдик. Шу истак бўйича қандай ишлар қилинаётганлигини билмоқчи эдик. Меҳнат кексиси В. Т. Тишчен-



○ ПАХТА ЧУВИШ МАШИНАЛАРИ УЧУН. КПСС азоси Насиба Рўзиева 13 йилдан бери Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги заводида эҳтиёт қисмларни тайёрлаб келади. Бу эҳтиёт қисмлар пахта чувиш машиналарининг бекүсон, зулуқис ишлашида катта аҳамиятга эга.

Х. Мирзақаримов сурати.

Адабиёт ва санъат

— Муроджон ака, эндиликда сиз таниқли киноактерсиз. Сухбатимизни санъат йўлидаги илк қадамларингиз қандай бўлганидан бошласан.

— 1966 йили Н. А. Островский номидаги театр ва расмчилик санъати олийгоҳининг актёрлик куллиётига ўқишга кирдим. «Еш гвардия» театрида (1966 йилдан) эпизодик ролларда иштирок этдим. Ҳар бир ишнинг ўз масъулияти бўлади.



Ижодкор билан суҳбат

Мурод РАЖАБОВ: «Инсон тириклигида қадрлансин»

Театрда янги келган келасизлар менда иккиланган. Унинг йўқотиш, ҳаяжонланган бўлиши, таниқли санъаткорлар олдида ўзини ноқулай сезиши. Аста-секин бунақа ҳолатлардан қутула бордим. Устозларим Арсен Исмоилов, Раҳим Сайфиддинов раҳбарлигида ранг-баранг қиёфалар яратиб беришди. Шулардан бири Абдураҳмон Иброҳимовнинг (режиссёр Эргаш Масафоев сахналаштирган) «Биринчи бўса» асаридан Шокир эди. Бу муҳаббатда алданиб изтиробга тула қалбини овутиб юрган иродасиз, худбин бир шахсини қиёфаси эди. Унинг давр мобайнида «Еш гвардия» театри сахнасида 50 дан зиёд қиёфа яратиб муваффақ бўлдим.

— Театрдан нима сабабдан кетдингиз? Бугунги кунда ўзбек театрининг аҳоли қандай деб ўйлайсиз?

— Театрдан кетганим — бу ондан фарзандим ажратилган гап бўлган. Чунки театри ондан кўраман. У мени актёр қилиб туганган. Кетган кетдиларини ухламаган, пайтларим ҳам бўлган. Бунинг албатта ўзига хос сабаблари бор. Аммо бир нарсаи тушунадим-ки, агар сен режиссёр, қолаверса уч-тўрт ижодкор билан ҳамфикр бўлмасанг театрда ишлаб кетишинг қийин экан. Актёрлик санъати бошқа санъатлардан анча фарқ қилади. Фарқи шундаки, унинг тақдирини кўпчилик билмайди. Хуллас, унинг эртанги кунини ўзи эмас, ўша кишилар ҳал қилишади, деган хулосага келдим.

Хулосаларимдан яна бири шунки (театрдаги касбдош дўстларим балки мендан хафа бўлишар) фикримча ҳозир ўзбек театри санъатини умуман йўқотганимиз, таг-туғи билан. Агарда ўзбек театри санъатида бирор-бир хилсизлик қолган бўлса, бу ҳам бўлса баъзи актёрларимиз ижодида сақланиб қолганларидир-ов. Нима учун деган савол туғилиши мумкин. Масалан, Бергманинг битта гапи бор: «Театрда унга алоқа манбаси бирдек бўлган».



© БУЛАЖАК СОЗАНДАЛАР. 22-муқабил билим юрти ўқитувчиси Норқул Ризаев шогирдлари даврасида. Х. Мирзакаримов сурати.

Ихчам тақриз

ЗЕБО Мирзаева — ёш авлодга мансуб иштирокчи, ижодий даражаси кўнрақ. Ҳозирга ҳосиллик интилобига шоҳидлардан. У ўз шеърларида аёл, умуман, инсон қалбининг руҳий ҳолатини тасвирини ташбеҳлар орқали ечиб беришга интилади.

Шоира ақидида ўзининг «Тун маликаси» номи илк китобчасини эълон қилди. Ажаб эмас, мажмуа шеърлат муҳлислари манзур бўлса. Улардеги дард ҳам, фикр ҳам ўзига хос. Айтиш мумкинки, Зебо Мирзаеванинг ижоди эндигина кўнрақлаётган ижодчи эслатади. Унинг томирлари ёш бўлса-да, бақувват. Ҳар бир ижодкор аввало ўз Ватани, унинг дарди ҳақида қалам

моғи даркор. Бу драматургия, актёр ва томошабин. Агар драматургия бўлмай, актёр ва томошабин бўлса, бу ерда ҳеч қандай алоқа манбаси бўлмайди.

Сўнги ўн беш йилни олдидан бўлса, бизнинг баъзи бир режиссёрларимиз шу дарв ичда ўзларича янгиликлар яратиб, Москва ва чет эл театрларига тақдир қилишмоқчи бўлишди. Оқибатда биз ўзининг театримишни йўқотдик.

ди. Охирида операторимиз Рифкат Иброҳимов битта яхши фикр айтди: «Бугунги кунда ўзбек бундоқ яшаётти, ундоқ яшаётти деб кўнрагимизга уриб, ойнаи жаҳонда кўрсатиб ётибмиз, радиода эшиттириб, матбуотда ёздириб. Келинлар, биз шу «Темир хотин» фильмининг шунақани бир кино қилайликки, ўша эзилб юрган одамлар кинога келганда барча ташвишларини унутсин. Икки соат мириқиб кун

лишиб дам олишин», деди. Энди Қўқор қиёфасини яратиш масаласига келсан — орауним ҳам шундай қаҳрамонни яратиш эди. Қўқор ҳаётга, эртанги кунга умид билан қарайди. Бугун унга ёмондир, лекин у эртанга яхши бўлишига ишонади. Шунинг учун ҳам «Темир хотин»га ишонади. «Шу «Темир хотин» билан балки ҳаётини сойишга, яхши бўлиб кетар», дейди. Романтик тушуларга, хаблларга берилди. Сурагга олиш пайтида биз драматик бўлиблар билан асарини бўрттириб ишлаганимиз мумкин эди. Лекин комедия руҳини биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қилдик.

— Ҳозирги ўзбек киносида муаммо ва камчиликлар нимагадир ноборат, деб ўйлайсиз?

— Ҳозир актёрлар зиммасига жуда катта масъулиятлар юклатилган. Мана «Ўзбекфильм» киностудияси бешта ижодий уюшмага бўлиди. Мазкур ижодий уюшмага ҳужалик ҳисобида фаоллик кўрсатишапти. Энди бу уюшмалар замон талабига жавобан кўпроқ пул топиш пайида бўлади. Албатта бу табиий нарса. Масалан, чиқарилган ҳар бир маҳсулот меҳнатига яраша тақдирланадир. Модорини ҳар бир инсон тер тўки меҳнат қилган, ўшанга яраша ҳақ олган келди.

Санъатнинг турлари қўнраиб кетди. «Видео»лар чидди, ойнаи жаҳонда АҚШ, Англия, Германия каби мамлакатлар фильмларини кўрсатишапти. Булар тарбиявий аҳамият жиҳатидан зарарча таъсир этмаса-да, лекин кўнрақроқ сюжетларга бой томошаларидир. Бу албатта бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Мана шу кўнрақ оқинга бардош бериб биз ўзинимизни ўзбек санъатимизни кўтаришимиз керак. Замон талабига жавоб бера оладиган, ўз устида тер тўкиб ишлайдиган, ўткир бир актёр бўлмас томошабинларини ҳайратда қолдира олайди. Лекин ўша яхши актёрларини таъминот

«Тун маликаси»

Узирлаб кетишар қабртошга — [Эски Бозори шеърини] Мирсаларда фалсафий, мушоҳаданин бойлиги, оҳангдорлиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек шоирнинг ўзига хос нигоҳи, бошқаларга ўхшамаган яна бир ҳанча жиҳатлари борлиги кўнраиб турибди.

Ижодкорнинг кўпгина шеърлари муҳаббат мавзусига бағишланган. Зебо ҳам мутақаббил шоирларимиз каби ёр, ошқ сиймолари орқали жамият, борлиқ инсон ҳақидаги фалсафий фикрларини айтиш билан бирга, дунёвий гоғларни кўтариб чиққан: «Муҳаббат — қабртош Энг қадимий тош...»

Тўқин РҲЗИЕВ.

масаласида қисиб қўймаслик даркор. У фақат янги роль яшати керак. Бунинг учун эса актёр ҳар томонлама таъминланган бўлиши лозим. Бир кун қайсибир кино кўриқда бир кинорежиссёр шундай деб қолди: «Ана кўнрақ-ми Альпаччионинг ўйнашини (АҚШ). Қара томошабинда қандай таассурот қолдирди унинг икром услуби». Шунда «Альпаччио битта фильмига 3 миллион доллар олади», дейишга юзим чидамади. Масалан, менга ўхшаган ўртача актёр ўлдир деганда бир миллион доллар, кинога энди кириб келган, илк роль ўйнаётган одам ярим миллион олади. Бизда-ми? Энг оғир бош ролни ўйнаганда актёрларимиз борса 4—5 миң сўм олади. Бу пул билан тирикчилик қилиш жуда қийин. Битта тузукроқ жиҳоз ҳам ололмайсиз. Бирор музеёга борсанг бир санъат асарини кўриб бу халқ бойлиги дейин. Еки меъморчилик санъатини ҳам шундай эълозлаймиз. Нима учун иқтидорли актёр халқ бойлиги бўлиши керак эмас. Улиб кетгандан кейин айтмиз: «Ох, бўр санъаткор эди-я». Инсон тириклигида қадрлансин. Унинг қадри бўлмасга у ролни яхши талқин этолмайди. Яхши қиёфа яратолмайди. Шунинг тақлиф қилардимки, ҳозирги истеъдодли ёшларимизга, (агарда кино, театр санъатининг ривожланишини хоҳласан) етарли шарт-шароит яратиб берайлик. Масалан 100 сўм ойлик олса, биз шунини 200 сўмга чиқарайлик. У ишларини «жод қилсин», бошқа инкир-чиқирларни ўйламан. Мени яна бир муаммо ўйлантиради. Мана ҳозир чет эл киностудиялари билан ҳамкорликда фильмлар яратилмоқда. Бу яхши, лекин улар билан ҳамкорлик қилишга биз тайёرمىзми?

— Келгуси режиссарингиз?

— Кинорежиссёр Исмаил Эргашев «Режиссёр сифатида анча ишлаб қолсан. Ке, инкалмаси битта фильм оламан», деб қолдилар. Албатта бу тақлиф мени қувонтирди. Ҳозир яна бир комедияни сурагга оляимиз. Мазкур фильмнинг номи «Темир аркан» деб аталади. Бу фильмда мен ҳам, режиссёр ҳам бош рол икромчи сифатида ишлаймиз. Яна ўша актёрлар чиқарилади. Роллардан бирини Юлдаз Усмонов икром эгатади. Бундан ташқари ўша Жамшид Зокиров, Дилором Эгамбердиева, Дилором Қамбаров, Гани Аъзамов, Наби Раҳимовлар бу. Ҳозирча ниятимиз фильмни бир қисмдан иборат қилиш. Балки кейин икки қисмли бўлар. Бунинг ишимизнинг ниҳояси кўрсатади. Яна бир ниҳояс — келажакда тарихий қаҳрамонлар қиёфасини яратиш. Масалан, Иброҳимовнинг «Шарқ» — фильм студиясида Латиф Файзиев «Шинкор» советҳинд фильмиди кичик бир роль тақдир этилган. Бу роль ширқа кувонч олашувчи кишидир. Кейинчалик режиссурага ўтиб кетишим ҳам мумкин. Ҳозир режиссёр сифатида ўзимни синаймсан.

Сухбатдош Суҳбатилла НОРҚУЖАЕВ.

Назм дафтаридан


Отам марсияси

Отам, изингизни топа оламаним
Отам, сўзингизни топа оламаним!
Отам, юзингизни топа оламаним!
Отам, ўзингизни топа оламаним!

Йўқ эдим ёнингизда, алвидо, дейлмадим,
Умрингиз менга туташ жон фидо, дейлмадим,
Сиз ҳақда куйиб-инглаб бир индо, дейлмадим,
Юзингизга тикилиб эй, худо, дейлмадим.

Кечиринг ўғлингизни, дилимда доим борсиз,
Умрингиз богдон бўлган — мангулик соҳибборсиз,
Номи ўчмас дадасиз, отасиз, ифтихорсиз,
Биз бор экан дунёда ҳаммиса барқарорсиз.

Ишон деб атаслар шодлигим ортиб кетар,
Қўлларимдан ҳаётга меҳрингиз тортиб кетар,



Санъатнинг сеҳрли олами

Қалб кўзи билан

У одамлар дардини, кувончу ташвишларини, қарашларини қалби орқали кўради, инсонларга бағишлаган дил сўзларини қалб кўзи билан кўради кўнрайдими.

Салоҳиддин ондан соғ-саломат турган. Лекин кўнрақ келганда табият тақлиф қилмади. Она ақли эди. Углини мушқил бўлишга гўдаклигидан ўргатди. Қўлда ҳам унинг ёнига югуриб боравермасдан ҳаракатларини бир чеккада жимгина кўзатиб турарди. Зарурат туғилгандагина олдиға боради. Ахир нима қилсин, олдинда катта ҳаёт, фарзандини шунга тайёрлаши керак. Бола аста-секин мушқилликка ўрганиди. Тез орада уйдагиликнинг овозларини яхши ажратиб оладиган, оила аъзоларининг юришини, акаларининг ўзига хос ҳаракатларини фарқлай оладиган бўлди. Бирдан-бир овуноғи кўл радиозитиргичи эди. Бора-бора Салоҳиддинда мусиқига ҳавас ўнганди. У радиозитиргичдан эшитган куйларини хонтахтада, стулдами, ё бирон овоз чиқарадиган буюмда қўли билан чалар, қўшқиларини ўзинча хиргой қиларди. Олти ёшдан бошлаб мушқиллик айта бошлади. Овозиди ширра, майинлик, қандайдир сеҳр аввал оила аъзоларини, кейинчалик кўнрақларини диққат қилиш қилди. Етти ёшли Салоҳиддинни кўзи оғизлар мактаб-интернатида олиб келишганда унинг биринчи саволи «Бу ерда ашула айтишга ўргатишадими?» бўлди. Шундай қилиб Салоҳиддиннинг машаққатли ҳамда кувончларга тула ҳаёти бошланди. Тўққизинчи синфини тугатган, санъатга бўлган муҳаббат уни Маданият-оқарува техникумининг «Мусиқа жамоаси раҳбари» бўлишига етаклаб келди. Мусиқа назарисини чуқур ўрганишда Кенжабой Юсуфжон овозлиқ қилди. Табиатан тиниб-тинмас Салоҳиддин назарий билимларини амалиётда қўлдан мақсадада иккинчи курсдан бошлаб Толибжон Содиқов номидаги Маданият уйи қошида ташкил этилган дастада чангчилик қила бошлади. 1988 йили ўқишни тугатган Абдулла Набиев номидаги кашшоф ва ўқувчилар саройида «Ешлик» вокал-чоғу дастасига раҳбар этиб тайинланди. Бугунги кунда ушбу дастада 30 дан ортиқ мактаб ўқувчилари қатнашади. Бу йил апрель ойида бўлиб ўтган шаҳар «Санъат байрам»да улар совриндор бўлишди. Бу муваффақият ўқувчилар қатори Салоҳиддинни ҳам руҳлантириб юборди.

Эндиликда у Навоий, Машраб, Фирқат ғазалларига, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Умида Абдуваҳидов,

Замира Эгамбердиева каби шоирлар ижодида тез-тез муурожаат қилапти. Қўшиқ илос-мандлар унинг «Отмигай тоғи», «Уртар», «Гулузорим», «Кўча боғи II», «Чоргоҳ II», «Чоргоҳ IV», «Завқим келур» каби қўшиқларини севаиб тинглашади.

Салоҳиддин билан адабиёт ҳақида, қўшиқ ва устозлар ҳақида суҳбатлашамиз. Қатор саволлар бераман:

— Кишини устозларингиз деб биласиз?

— Устозларим деб Кенжабой Юсуфжон ва Рустам Турсунновлар биламан. Санъатини тушунишда уларнинг меҳнати кўп синган. Илос қўйган санъаткорлардан Фуломжон Еқубов, Фаттоҳжон Мамадалиев, Орифжон Ҳотамов, Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедовларнинг қўлашлари эзилган мағнитофон ленталарини қайта-қайта эшитишдан нарчамайман.

— Кишлар билан мулоқотда бўлишини истасиз? Айниқса овоз пайларда.

— Камтарин, самимий, меҳнаткаш одамларнинг суҳбатидан кўпроқ бўлсам, улардан кўп нарса ўргансам дейман. Инсон одобини ўздан каттадан қарайдиган, лоқайд одамларни ёмон кўраман. Халқ қўшиқларини, ота-она тўғрисида қўшиқларини ёқтираман. Ҳар бир қўшиқнинг тақрирланмас ўзига хос, ўз ранги, ўз жоғибаси бўлади. Ижодий ана шуларни тингловчи қилбига еткази олмагани санъаткорман дейишга, қўшиқ айтишга ҳаққи бор.

— Режиссарингиз!

— Дастадаги ўқувчиларининг санъатга бўлган қизиқишларини сўндириб қўйишдан қўрқаман. Улардаги қизиқишнинг кучайтириш ва янгидан-янги истеъдодларни топши, санъатга жалб этиш учун, аввало ўзим кўп ўрганишим керак. Бунинг учун янги репертуарлар устида тинмай ишлашим керак. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Онаизор» шеърини қўшиқ қилиб айтиш, халққа еказиш ниятим бор. Ундаги мана бу мисралар менга жуда қаттиқ таъсир қилди:

Тиниб бўлса қўлимдаги тор,
У кун ўтмай унутгай дўст-ёр,
Дунё,
Еру кўнри титратиб зор-зор,
Дунё,
Онам йиглар, онам йиглар,
Онам у...

Ҳа, Салоҳиддин Нурелиевнинг катта санъатдаги йўли энди бошлангитти. Машаққатли ижод, ёмон куйлаш, серзавқ оғилар унга доим ҳамроҳ бўлсин.

Доғия ЗОКИРОВА.

© СУРАТЛА: С. Нурелиев. Д. Облаев сурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХУЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ «КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ЮТҚУЛАРИ КўРГАЗМАСИ

1990 ЙИЛ ОКТАБР ОЙИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Мамлакатнинг етакчи мутахассислари иштирокида «Тасвирларни қайта ишлаш, тақлиф қилиш ва билиб олиш системаларини барпо этишдаги камчиликлар»

III ЖУМҲУРИЯТ СЕМИНАРИНИ УТҚАЗАДИ

СЕМИНАР МАВЗУИ: тасвирлар рақамли ишлов бериш, тақлиф қилиш ва билиб олиш услублари, системали ва амалий дастури таъминот, тасвирлар ишлов бериш автоматлаштирилган системаларнинг ахборот таъминоти ва техникавий воситалари.

Семинарда тиббий бойликларини масофадан туриб текшириш учун самолётдан ва фазодан олинган суратларга маинида ишлов бериш, тақлиф қилиш ва шарҳлаш, экология муаммоларининг ечимларини излаш, радиоэлектрон санаят буюмларининг тасвирларига ишлов бериш, тиббий-биологик суратларни қайта ишлаш, шунингдек, оптика, рентген, иссиқлик, радиография ва бошқа тасвирларни шарҳлаш масалалари кўриб чиқилади.

Семинар ишида қатнашиш истагида бўлган мутахассислар 62-71-75 телефон орқали муурожаат қилиб, зарур маълумотларни олишлари мумкин.

Н. А. ЕСМАШОҚ НОМИДАГИ ТИББИЙ ҚАЙТА ТИҚЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИНИНГ БОСТАЛР ФИЗИОТЕРАПИЯСИ, ДАВОЛАШ-ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАСҲЛАРИ ВА УҚАЛАШ БУЛИМИДА

ҚУЙИДАГИ МУОЛАЖАЛАР БУЙИЧА ПУЛЛИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

умумий, хусусий, пулдали уқалаш; даволаш гимнастикаси бўйича хусусий машгулотлар; игнарефлекс терапияси

«КОД» (ноҳия поликлиникасидан амбулатория шароитида даволаш учун берилган йўлнамма) бўлиш-булмаслигидан қатъий назар мазкур хизмат турларидан фойдаланиш мумкин. Ўзингиз билан уқатка болаш шифокори томонидан тўдирилган 025/У андозадаги «Беморнинг амбулатория дафтери»дан қўйрма олиб келсангиз, бас.

БЕМОРЛАР ЯҚШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 19.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Муолажалар учун клиника кассасида — қуйидаги манзилда нақд пул билан ҳисоб-янтоб қилинади: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Хуршид кўчаси, 13-уй.

1990 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРГАЧА ТЕХНИК-КАРТОГРАФЛАР ТАЙЕРЛАШ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

17 ва ундан катта ёшдаги, ўрта маълумотли тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз, мандат ҳайъатида суҳбатдан ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Тайлим — рус тилида олиб борилади. Ойига — 70 сўм стипендия берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 11 ОИ.

Қуйидаги манзилга муурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 98-уй, кадрлар бўлими (5, 26, 37, 52, 183-автубуслар; 2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорти саройи»; 5, 17-троллейбусларнинг «145-мактаб» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА УҚИТИШ ВА КАСБА ЙУНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

САРТАРОШЛИК ХИЗМАТЛАРИ КОМБИНАТИГА:

«ЭЛЕКТРОСРЕДАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 4-МОНТАЖ БОШҚАРМСИГА:

электр монтажчи, назорат-ўлчам асбоблари ва автоматикан логик тақлиф бўйича чиқарилар, электр ва газ пайвандчилар, гипс турувчилар, пулат ва темир бетон конструкцияларнинг монтажчилари.

Бошқарма бутун Ўзбекистон ҳудудидидаги электр станциялар ва подстанцияларнинг электр ускуналарини монтаж қилиш билан боғлиқ ишларни бажаради.

Бошқарманинг участкалари Тошкент, Фарғона, Тяхнаот, Ангрено, Чорвоқ шаҳарларида. Нуруобд қилмоғида жоқлашади.

Барча уқатқарларда ёлғизларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқитиши бўлганларга Тошкент шаҳрида — 5 йил мобайнида, бошқа шаҳарларда — 2 йил мобайнида уй берилади.

«ЎЗСТРОЙКОНСТРУКЦИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

2-ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА: бош энергетик, энергетик, механик, қолпоқчи уқатқар, маслаҳатчи-хуқуқшунос, темир-бетон конструкцияларининг қолчиқлари, қўлда пайвандловчи электр пайвандчилар, кўприкчи ва минорал крапларнинг машинистлари, таъмирловчи — чиқарилар.

2-НОН МАХСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТИГА: назорат-ўлчам асбоблари ва автоматика муҳандислари ва соловчилари, 4—5 даражали электр монтерлар. Иқтисода эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб касб ўрганишлари мумкин. Иш — уч сменали. Муассасега қарашли болалар боғчалари, ёрдмчи хўжалик, Тошкент денгизида истироҳат маскани, хизмат автобуси бор.

ЎРТА ОСИЕ ТЕМИР ЮЗЛИНИНГ САЛОТ ЙЎЛ ДИСТАНЦИЯСИГА:

йўл машиналари ва механизмлари монтерлари, бригадирлари, механиклар ва соловчиларга йўлнинг устки қурилиш материалларини ҳисобга олувчи бригадирлар, электр пайвандчилар.

Корхонага кирувчилар уй ҳақи тўлашдан овоз қилинадилар. Бепул ёқили ва мамлакатнинг исталган бурчагига темир йўлда бориб келиш учун бир марталик бепул билет билан таъминланадилар.

1-ПОЯБАЗАЛ ФАБРИКАСИГА: фрезерчилар, киркувчилар, бичувчилар, мойловчилар, пойабазалининг юзаси ва тағарминини йиғувчилар, тортувчилар, пойабазали қолдидан тушириб олувчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН НОҲИЯ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БУЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГИН:

ОКТАБР НОҲИЯСИ — У. Юсуфов кўчаси, 3-уй. КУЙВИШЕВ НОҲИЯСИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй. ҲАМЗА НОҲИЯСИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй. ФҲНЗЕ НОҲИЯСИ — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

